

18-09/1194

05.04.2022

АТ “Алоқабанк” акциядори

Х А Б А Р Н О М А

Сизни, 2022 йил 27 апрель куни соат 11⁰⁰ да масофадан туриб электрон овоз бериш хизмати <http://evote.uz> орқали ўтказиладиган АТ “Алоқабанк” акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига таклиф этамиз.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. АТ “Алоқабанк” акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2022 йил 11 январдаги 15-20/17-сонли хати муҳокамаси тўғрисида.
3. АТ “Алоқабанк”нинг Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасида шакллантирилган маблағларини тақсимлаш тўғрисида.
4. АТ “Алоқабанк”нинг янги таркибда банк Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.
5. АТ “Алоқабанк” Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида.
6. “Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)ни қўллаш тартиби”ни тасдиқлаш тўғрисида.
7. АТ “Алоқабанк”нинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.
8. “Ягона умумреспублика процессинг маркази” масъулияти чекланган жамияти устав капиталидаги банкнинг улушини Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиш ва АТ “Алоқабанк”нинг устав капиталини камайтириш тўғрисида.
9. АТ “Алоқабанк” Уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
10. АТ “Алоқабанк”нинг илгари рўйхатдан ўтказилган Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва илгари рўйхатдан ўтказилган Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар матнини тасдиқлаш тўғрисида.

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2022 йил 21 апрель куни ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестри асосида тузилади. Акциядорларга умумий йиғилишни ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун реестрни шакллантириш санаси: 2022 йил 5 апрель.

Банк акциядорларини рўйхатга олиш 2022 йил 27 апрель куни соат 9³⁰ дан 11⁰⁰ гача амалга оширилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишга оид ҳужжатлар ҳамда кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тайёрланган маълумотлар билан банкнинг www.aloqabank.uz корпоратив веб-сайти, <http://evote.uz> электрон саҳифаси орқали танишишингиз ёки info@aloqabank.uz электрон манзили орқали сўров юборишингиз мумкин.

Ҳурмат билан,
Кузатув Кенгаши Раиси



Ш.Х. Шерматов

